



Ishonch

Моҳият
Миллатнинг,
халқнинг
ҳамжихатлиги
ҳар қандай
тараққиётнинг
гаровидир.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Бир ўлкаки...



Алла оналарнинг ўз фарзандини оиласи, уруғ-аймоғи ва эл-юртининг эртанги кунига ярағувчи, она-Ватанининг шаъни, шон-шавкати ва кудратини юксалтириш салоҳиятига восил қилиб улғайтиш нияти билан йўғрилган илоҳий кўшиқдир.
— Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор, — деган эди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида. — Алпомиш номи ҳам бизнинг шуурига оналар айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру гурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

Алпомишга алла айтган момоларим

...«Алпомиш» — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танги халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз аждодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. «Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақўй бўлишга, ўз юртимиз, оиламиз кўргонини кўриклашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Шунинг учун бундан минг йиллар нарида — жаҳон тамаддунини бир неча юз баробар юксалтириб қўйишга ҳисса қўшган аллома юртдошларимиз Ал-Беруний ва Ибн Сино қувғинда, Ал-Хоразмий ва Ал-Фарғонийлар араб мамлакатларида ўз иқтидорларини намоён этишга мажбур бўлиб юрган даврларда халқ мамлакатини кудратли давлат тимсолида бирлаштирадиган, унинг шаъни, ор-номусини ғанимлардан ҳимоя қиладиган юртбошига муҳтож бўлиб «Алпомиш» достонини яратган эди.

Момолар алла айтавердилар. Халқнинг достоний орзулари ҳақиқатга эврилиб, тарих сахнасига чиқиб келган Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва ниҳоят Амир Темур тимсолидаги алпомишларимиз давлатчилигимиз тамал тошини мустаҳкам тиклаб қўйдилар.

Йиллар, замонлар ўтаверди. Лекин халқнинг Алпомиш тимсолидаги мард ва юртпарвар йигитлар, Барчин тимсолидаги элнинг ярашиқли бекаларга ҳаётини эҳтиёжи ортсга ортадики, асло камай-майди.


Юртбошимиз 1999 йил 6 ноябрда Термиз шаҳрида тантанали суратда очилган «Алпомиш» ёдгорлик мажмуи ҳақида гапирар экан, бу туйғуни шундай ифодаляйди:
— Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юртини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоқда шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди.

(Давоми 3-бетда)

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Сифатли плеер ва соатлар тайёрланмоқда

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасида ишлаб чиқариш субъектлари, қўшма корхоналар сафи кенгайиб, улар халқ фаровонлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.



X. АРАББОВЕВ (ЎзА) олган суратлар

2007 йилда Андижон шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Idas Elektroniks Sistem» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган Matiz, Damas, Spark, Nexia ҳамда Lacetti автомобиллари учун CD/MP3 плеерлари ҳамда рақамли соатлар тайёрланмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида корхонада қарийб 121,5 минг дона магнитофон, 76 минг дона соат ишлаб чиқари-



либ, бу борада белгиланган режа 109 фоизга бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати ҳамда иш умумдорлигининг йилдан-йилга ортишида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, меҳнатни ташкил этишда хорижий ҳамкорларнинг илгор иш услубларини қўлаш, ички имкониётлардан самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга кенг

чиқарилаётгани эътиборга молик. Ёшларимиз ўз билим ва иқтидори билан юксак салоҳият эгалари эканликларини амалда намоён этмоқдалар.

— Корхонада тўрт йилдан буён ишлайман, — дейди текширув линияси назоратчиси Усмонали Қодиров. — Андижон алоқа коллежида замонавий технологияларни пухта ўзлаштирганам иш фаолиятимда қўл келмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати жаҳон стандартлари, халқаро андоза ва талабларга тўла жавоб беради. 2010 йилда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ўтказилган танловда корхона маҳсулотлари «Йилнинг энг яхши маҳсулоти» деб эътироф этилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида изчил иш олиб борилмоқда, — дейди корхона бош директори Авазбек Юсупов. — Корхонамизда 251 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, янги штамплар цехи ишга туширилди. Шунингдек, 342 миллион сўмлик хомашё ва зарур жиҳозлар харид қилинди. Натижада CD/MP3 плеерларининг металл қисмларини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳозир корхонада маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ишлар кўламини кенгайтириш чоралари кўриляпти.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Янги кўн

Навоий
Йўл қурган — элда азиз. Навбахорлик «Йўл хўжалик таъмирлаш-фойдаланиш» корхонаси бу борада мақтовга эришилган амалга оширилмоқда. Навбахор тумани марказий йўлига туташган «Митан-Янгийўл-Ҳаловаттепа» йўналиши кўпдан таъмирталаб ва ўйдим-чўқур аҳволга келиб қолганди. Ушбу йўналишда лойиҳаси 156335 минг сўмга тенг бўлган йўлсозлик ишлари амалга оширилгач, у бутунлай ўзгача кўринишга эга бўлди. Хайрли иш, айниқса, ҳудуд ахли, йўловчиларни хушнуд этди.

Андижон
«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Асака шаҳар филиали томонидан қузғи-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу мақсадда айрим ҳудудларда газ тармоғи янгилашиб, реконструкция қилинапти. «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида газ таъминотини яхшилаш учун 1200 погонometr газ қувурлари янгилисига алмаштирилди. Натижада, завод ва унинг атрофидаги Амробод, Гулистон ва Жомий МФЙларида ҳам газ таъминоти яхшиланди.

Сирдарё
Гулистон шаҳрида АТИБ «Ипотекбанк» вилоят филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бино «Гулистонмаҳсусқурилиш» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатда барпо этилди. Ишсизликни бунёд этишда энг сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилди. Янги бинода банк миқозлари учун барча қулайликлар мавжуд.

Қашқадарё
Бугунги кунда Шўртан газ кимё мажмуасида тайёрланаётган полистилен гранулаларининг ялпи миқдори 1 миллион тоннадан ошади.

Жорий йилнинг август ойига қадар корхонада 34 млрд. кубометрдан ортиқ ҳажмдаги таркибиде этан моддаси сероб бўлган табиий газ қайта ишланиб, истеъмолчиларга 29 млрд. 339,8 млн. кубометр тозаланган табиий газ, 914 минг 375,8 тонна сиқилган газ, 883 минг 891,2 тонна газ конденсати, 9 минг 146,3 тонна олтингурут ва 1 млн. 26,4 минг тонна полистилен етказиб берилди. Мажмуада тайёрланаётган полистиленнинг 454 минг 833 тоннаси хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Чет давлатларга жўнатиладиган маҳсулотларнинг миқдори 532 млн. 409,6 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Тошкент шаҳри
«Узсаноатқурилишбанк» ОАТБ жорий йилнинг 1 сентябрга қадар кичик бизнес субъектлари учун жами 202 млрд. сўм миқдорда кредит маблағи ажратди ва бу 4.158 та иш ўрни яратилишига имкон берди. Янзиматлар кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида банкнинг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилди. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабаларининг янги бизнес фояларини қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмапти. «Энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг яхши инновацион бизнес фоя» танловлари ўтказилиб, голиблар имтиёзли кредит ҳамда совғалар билан тақдирланди.

Газетхонлар билан учрашув

Таклиф ва мулоҳазалар

албатта инобатга олинади

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Ishonch» газетаси ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давра суҳбатини Ўзбекистон ФА бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев қисқача қириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Кейинги вақтда тахририят фаолиятида кўзга ташланаётган тезкорлик кишини ниҳоятда хурсанд қилапти. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати ёхуд тармоқ кенгашлари масалалари эртасигаёқ газетамизда ўз ифодасини топаётгани айни мудида бўлмоқда. Зеро, хабардорлик касаба уюшма етакчилари учун иш самарадорлигининг бирламчи шартидир.

Учрашувда сўзга чиққан «Ishonch» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Зайниддин Рихсиев шундай деди:

— Тахририят жамоаси амалга ошираётган ишлар ҳақида узоқ гапирши мумкин. Лекин уйлайманки, зўқо муштари сифатида сиз уни чоп этилаётган газетамиз мазмундарижасига қараб, шундоқ ҳам кўриб-билиб турибсиз. Шунинг учун давра суҳбати мавзусини сизлар белгилаб бёрсаларингиз. Таклиф, мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз, улардан кейин-

ги йил режамизни тузишда фойдаланган бўлардик.

Зайниддин Муродов, ядро физикаси институти касаба уюшма кўмитаси раиси:

— «Ishonch» — ўзимизнинг газета. Бас, шундай экан, муносабат ҳам шундан келиб чиқмоғи даркор.

Шу ўринда бир таклифим бор эди. Фанлар академияси тизимида етук, ҳатто чет элларда ҳам эътироф этилган олимлар фаолият кўрсатишади. Уларнинг ҳаёт йўли ва фаолияти муштарийларда ҳам қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Ўткир Каюмов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Узоқ йиллардан буён касаба уюшма етакчисиман. Яқинда мен ҳақимда «Ishonch» газетасида мақола чоп этилди. Таржимаи ҳолимни қайтадан варақлагандек бўлдим.

Кези келганда мен ҳам бир таклиф билдирмоқчи эдим. Газетамизда танқидий мақолалар оз. Танқид — келажак меваси, дейишади. Бу, айни вақтда, йўл қўйилган хато-камчиликларни тўзатиб олишда ҳам асқотади.

Гулсанам Тиллаева, фалсафа ва ҳуқуқ институтининг касаба уюшма кўмитаси раиси:



— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кўтарилган ташаббус — мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ҳар бир кишининг 20 тупдан дарахт кўчати экиши юзасидан газетамизда қўллаб мақолалар чоп этилди. Энди ушбу боғлар қандай парвариш қилинаётгани ҳақида ҳам бот-бот хабарлар берилишини истардик.

Давра суҳбати давомида қатнашчилар томонидан қўллаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Албатта улар газета саҳифаларида ўз аксини топади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири,
Икром ХАСАНОВ олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўллонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам.

...Ишонман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадонда янги-янги алпомишлар дунёга келади, ватанга садоқатли, жасур ва энгилмас инсонлар бўлиб улғаяди.

Асрлар қаъридан эсон-омон ўтиб келган Алпомиш сиймоси халқимиз жасоратининг мангу тимсоли сифатида мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш Термиз шаҳрининг ҳушманзар жойида қад ростлаб туришидан мурод шул эди. Биз бугун ана шу эзгу мақсадларимизга эришмоқдамиз. Узоққа бормасдан, Сурхондарё вилоятининг ўзида 2011 йилда амалга оширилган ва ошириладиган ишларни қайд этиш орқали бун-

— Сарийосиё йўналишидан Помир орқали Хитойга ўтиб кетувчи Халқаро автомобил йўлининг икки томонида жойлашган. Жануби-Шарқи шундоққина кўриниб турган кип-қизил тақрон адирикларга тақалган; Шимолий-Ғарб томони элас-элас кўзга илганадиган Каттақум саҳросига туташиб кетган; қум барханлари ўртасида чўзилиб жойлашгани учун худди икки чўли кабир ўрта-центнердан кўшилиди, деган гапидан кейин ўйланиб қолганимизни сезгач, ўзи изоҳ берди:

— Ҳозир пахта шундай зироатга айланганки, эккан деҳқонгина эмас, йиққан, қўли теккан одам ҳам ундан яхшигина нафланяпти.

белгиланган тадбирлар режаси асосида маданий-маърифий ишлар ташкил этиб бориляпти. Вилоятимизда кўзга кўринган шоирлар Шафоат Раҳматулло Термизий, Б.Содиқов, Б.Ериев, Термиз Давлат университетининг «Жайхун» ансамбли, М.Уйғур номидаги вилоят мусикали драма театри артистлари билан ўтказилган тадбирларни ҳашарчилар хурсандчилиги билан қарши олдилар. Айниқса, бойсунлик драматург Хурсанд Холқовнинг «Жуфт-жуфт лайлақлар» ва Шухрат Ризаевнинг «Она» деб номланган мусикали пьесаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Аҳмедова, Хайрулло Насриддинов, Марям Маҳмудова иштирокидаги концертлар ҳашарчиларга хуш кайфият бахш этди.

«Ўқитувчи ва мураббийлар кўми» муносабати билан пахта йилги-теримида фаол иштирок этаётган ҳашарчи педагог ходимларга вилоят таълими, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшма кенгашининг 400 дона ҳамда худудий бирлашган қасаба уюш-

тўлдириб бормоқда. Келажакда харобаларни очиш-таъмирлаш ишлари якунланган, қалъа қўриқхонаси худуди зиёратгоҳ билан бирлашиб, ажойиб сайёҳлик ансамбли пайдо бўлади. Шу ўйларда Термиз ота зиёратидан кўнглимиз тоғдай кўтарилиб, қош қорайганда Термизга қайтиб келдик. Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида бизни фаоллар қўтиб туришган эди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиши оstonасида» китоби доирасида суҳбат жуда мароқли кечди. Сурхондарё вилоятининг урта ҳорижий давлат билан чегарадошлиги, қариндош-уруғларнинг бориш-келиши яхши йўлга қўйилганлиги, сайёҳлар оқимининг кенгайиб бораётганлиги яхши гап, албатта. Бироқ ана шу яхши ишлар панасида оммавий маданий шарпалари, исломий маънавиятимизга ёт ҳар хил ақидапарастликлар сукулиб кириб қолмаслиги учун

маблағлар икки маҳал иссиқ овқат, дори-дармон, ётоқ жойларни таъмирлаш, илғорларни рағбатлантириш ва бошқа мақсадлар учун харж қилинган.

Ҳа, деган туяга мадад, деб шунга айтадилар-да. Теримдаги уюшқоқлик ўзининг чиройли самарасини бериб турганига бугун ҳаммамиз гувоҳимиз. Бизнингча, сурхондарёлик алпомишлару барчиноларнинг бу йилги муваффақияти ҳақида ҳар қанча қўлов айтсангиз ярашади:

Хушхабар етказиб Сурхондарёдан Елган шомолларга юзи бурғаймиш, Вездаси вафони, аҳди эибада Бўлган юртолларни қўлга турғаймиш.

Яшанг, дангал ўзди пойга отингиз, Қойил, даст кўтарди сизнинг полвоилар. Боботодан баланд бугун бошингиз, Йўллarga сизгайди олоққ карвоилар.

Биламан, голиб деб қўтлаганим чоғ, Шошиб қоқсангиз-у пахта гардини, Сурхоний кенгликка очасиз қучоқ, Англамоқ бўласиз ерининг дардини.

Ифтихор

Истеъдодли ёшлар кўпаймоқда

2005 йилдан бундан ўтказиб келинган «Келажак овози» республика танловининг нуфузи тобора ортиб борапти. Жорий йил бу танловда ўз омадларини синаб кўриш учун ҳужжат топширган йигит-қизлардан 4 минг нафарини навоийлик ёшлар ташкил этиб, голибликни қўлга киритган 41 нафар совриндор қимматбахш совғалар ҳамда диплом билан тақдирланди.

— Мен танловнинг тасвирий санъат йўналиши бўйича иштирок этдим, — дейди Навоий маданияти ва санъат коллежи ўқувчиси Маъруфжон Бахромонов. — Голиб бўлишимда устозим рессом Намжон Қодировнинг хизмати катта. Ўзгача Ҳиндистонда бўлиб ўтган ёш рессомларнинг халқаро фестивалида қатнашиб, II даражали диплом билан тақдирлангандим. Келажакда бир-биридан бетакор асарлар яратиш ниятидан. Таникли рессом Акмал Нурнинг фалсафий ижодида мўҳрим баланд. Халқ сўйган ижодкор-рессом бўлишга интиламан.

— Нуротанинг кашталаридаги ҳар бир гул алоҳида маънога эга, — дейди «Аънавий ва амалий санъат» йўналиши бўйича яна бир голиб, Нурота қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи 2-курс ўқувчиси Сарвиноз Шаҳарова. — Уларда момақорим орзу-умидларини кўрган-дек бўламан.

Зулфия БОБОЕВА

Камолот сари

Соғлом келажак

Эртамиз эгалари қандай бўлиши керак? Албатта, маънавий баркамол ва жисмоний соғлом. Ҳар икки жиҳатни ўзида мужассамлаштири олган ёшларни келажакда улкан ишларга қодир бўлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофазга қилиш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар йили Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кўми муносабати билан «Биз ёшлар соғлом турмуш тарafdоримиз» шиори остида ойлик эълон қилиш аънаънага айланган. Жорий йилда ўтказилган ушбу ойлик доирасида соҳа мутахассислари жалб этилган ҳолда маҳаллалар ва ёғзи оромгоҳларда турли мавзуларда 800 га яқин тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тадбирларда спорт-соғломлаштириш муносабати ташкиллаштирилиб, унга бир ярим миллиондан ортиқ ёшлар жалб этилган.

Ташкилот томонидан ёшлар ўртасида спортнинг оммавий, миллий турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш мақсадида жорий йилда стол теннис бўйича «Камолот маликаси», энгил атлетика бўйича таълим муассасаларининг ўқувчи-қизлар ўртасида «Баҳор маликалари», 14-16 ёшлар ўртасида бадий гимнастика бўйича «Камолот гунчалари» ҳамда қатор ҳамаюр ташкилотлар билан биргаликда жанговар спорт тури билан шуғулланадиган қизлар ўртасида «Тумарис — спорт маликаси» каби муносабатлар ташкил этилди.

Дарвоқе, «Камолот» ЕИҲ ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан ҳар йили аънавий тарзда ўтказиладиган «Камолот-ТУР» ёшлар миллий веломарафони ҳам йирик лойиҳалардан бирига айланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ

Матбуот анжумани

Ғоямиз — ҳимоямиз

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Маънавий тарғибот маркази, «Камолот» ЕИҲ Марказий кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида «Маънавият ва ёшлар» мавзусида ОАВ вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги устоз йўналишиларни белгилаб олиш, янада юксак босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ҳаётнинг ўзи жамиятнинг изчил ривожлантириши, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмай, демократик ислохотларни қўйиш билан давом эттириши талаб этмоқда. Шу мақсадда Маънавият тарғибот маркази томонидан 74 номдаги китоб, монография ва рисоалар нашр этилиб, республикамизнинг барча худудларида етказиб берилди.

Шунингдек, марказ томонидан худудларда маънавий-маърифий ҳаётлар мониторингини олиб бориш, маҳаллий ҳокимият органларига, вазирилик ва идораларга бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилди.

Анжуманда «Камолот» ЕИҲ томонидан вазирилик ва ташкилотлар ходимлари учун «Миллий ғоя: таълим ва тарғибот технологиялари», «Дунёнинг мафкуравий манзараси — 2010», «Ғоямиз — ҳимоямиз» номли мултимедиа, маънавий-маърифий дастур ҳамда ўқув тренинглари ташкил этиладигани таъкидлаб ўтилди.

Феруза БОБОХОНОВА

Алпомишга алма айтган

момоларим

га яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, шу йилнинг апрел-май ойларида сурхондарёликлар «Баркамол авлод — 2011» муносабатида мезбонлик қилган эди. «Кичик олимпиада» деб эътироф этиладиган ушбу поғонали спорт муносабатларининг ўрта бўғинига мансуб ушбу беллашуларда неча-неча алпомишсифат ва барчинтаълат ўғил-қизларимиз етишиб келаётганига гувоҳ бўлдик.






























Айни пайтда, бу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сурхондарёликлар, хусусан, термизликлар катта имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар. Шу туфайли Термиз энди дунё полволлари беллашувида мезбонлик қилмоқда: 19-20 октябр кунлари шаҳардаги халқаро андозаларга мос равишда барпо этилган спорт ареналарида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аънавий Х Халқаро турнир ва еттинчи Жаҳон чемпионати — катта кураш муносабатлари ўтказилди. Бу галги турнир ва Жаҳон чемпионатида саксонга яқин мамлакатдан 400, шунингдек, 200 нафар Ўзбекистон алпларининг майдонга чиқиши кўтилмоқда.

Биз бежизга мақоламизни Алпомишдан, алплар — полволлик шеваасидан бошламадик. Халқимиз фақат майдонда эмас, ҳар қандай жабҳада ва ҳар қандай шароитда эл қорига яраган, унинг дарди, ташвиши учун куйиб-ёнган фарзандларини ҳам «Алпомишим», «полволним» деб улуглаб келган. Сурхондарё далаларини, қишлоғу кентларини айланиб юриб, оналаримиз, момоларимиз қанчадан-қанча «элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» алпомишларга аллалар айтганлигини юракдан туйдик.

Октябр ойининг биринчи ўн кунлиги охираб бораётган эди. Бир томонда бугдой майсалари ерни яшиллик билан қоплаб олмоқда. Иккинчи томонда ҳосилдан бўшаётган пахта майдонлари... Шу тусдаги далалардан бирида — Жарқўрғон туманининг «Порлоқ тонг юлдузи» фермер ҳўжалигининг катта йўл ёқасидаги пайкалда Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муяссархон Қодировани бир гуруҳ ҳашарчилар қуршовида учратдик. Қизингизга кечган «хорма-бор бўл»дан кейин, илғорларга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Фахрий ёрликлари ва қимматбахш совғалари топширилди. Терим пулининг тўлиниши, яшаш шароити, маданий-маърифий хизматлар қандай ташкил этиладигани билан қиздикдик. Муяссархоннинг таъкидлашича, бу йилги пахта теримидан шифокорлар тиббий хизмат кўрсатиши бевосита даланинг ўзида ташкил этиш билан бирга, ўн мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш ходими ҳашарчилар сафига қўшилган. Мавсум даврида қасаба уюшма маблағидан уларга 7,5 млн. сўмлик совға ва озақ-овқат махсулотлари етказиб берилган ҳамда яратилган шарт-шароитлар назоратга олинган.

Пайкалдан чиқаётганимизда ҳарбийларга ўшаб кийингани учун чегара полковнигига ўшаб кетадиган, пахлавонокелбат, 40-45 ёшлар атрофидаги бугдоймағиз йигитга рўпара келдик. Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим ака Аҳмедов уни бизга, мазуқ фермер ҳўжалигининг бошлиғи Комилжон Тўраев, деб таништирди ва шартнома режасини ошириб бажарганини кистириб ўтди.

Комилжоннинг даласи Термиз — Комилжон ака оиласининг, аъзоларининг даромадидан ортириб, аввал туманимиз шифохонасининг терлепа бўлимини, мана бу йил туғруқ бўлимини капитал таъмирлаб берди, — деб пахта-нинг нафини шархлай кетди. Бу тадбирнинг тиббиёт бирлашмаси бош врачси Урал Мўминов. — Бундан ташқари, кам таъминланган ходимларимизга ҳар мавсумда бугдой тарқатади; байрамларда ҳомилий ёрдами ва турли совғалар билан йўқлаб туради. Шунинг учун биз ҳам зарур пайтда фермерга қўлдош бўлишга ҳаракат қиламиз.



Офарин, қўйнинг олоққ нурини Ипак тола қилиб бойлаган жонга. Офарин, ҳимматинг тоза дурини Хирмон-хирмон уйган асл деҳқонга.

Бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин Термизга боришдан олдин қаерда тунасам экан, деган ташвиш бошингизни қотирар эди. Бугун шаҳарда бири-биридан маҳобатли кўп юлдузли меҳмонхоналар сайёҳлар билан гавжум. Шундай меҳмонхоналардан бири — «Meridian»да ҳордиқ чиқариб, эртаси тонгда Қумқўрғон туманига бордик.

Туман ҳокими Жалғас Маматминовнинг депутат сифатида Олий Махлис Қонунчилик палатасида ишлаб юрган пайтларидан билар эдим. Қўзлари кизариб кетган, кийим-бошида дала чанги. Кечаси билан ухламаганлиги шундоқ сезилиб турар эди. Пахта теримида, ғалла ўримида қишлоқ туманларининг барчасида иш бошида турганлар шунақа кам уйку бўлади. Гарчи Қумқўрғон шартнома режасини бажарган бўлса-да, бу ерда ҳам бор ҳосилни териб олиш учун кураш давом этаётган эди. Бунинг устига ҳали пахтаси териб олинмаган худудларга қўмақлашиш керак. Хуллас, иши кўп ҳокимни ўзида қолдириб, ўзимиз Қумқўрғон шахрини айландик. Богара маҳалласида мактаб-боғча, ҚВП билан даярлик биноси қолган етмишдан ошмиқ хонадонга мўлжалланган янги қишлоқдаги уйлар ҳавасимизни келтирди. Шароити шаҳардагидек.

Ҳоким ўринбосари Исмоил Айтемировнинг айтишича, шаҳарнинг яна уч чеккасида шундай янги қишлоқлар барпо этилаётган экан. Осиё тараққиёт банкнинг қўмағида бу қишлоқларни ва умуман Қумқўрғон туманини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар бошлаб юборилган. Тошкентнинг Отчолар бозорига ўшаб кетадиган янги бозор биътай деб қолган. Битган, қуриб битказиладиган супер маркет, кичик маркет, бошқа маданий-маиший биноларнинг саногий йўқ. Бир қарашда Қумқўрғон яхлит қуриш ҳавозасига ўшаёйди. Сурхондарё республикаси пойтахти Тошкент билан тўғридан-тўғри боғловчи темирйўл чорраҳаси бўлгани учун ҳам Қумқўрғоннинг мавқеи ошиб бормоқда.

Болалар спорт мактаби қошида ва шаҳар истироҳат боғига туташиб кетган ям-яшил, ҳамма шароитлари бор Марказий ўйингоҳ эрталабдан ўсмирлар ва ўқувчи болалар билан гавжум эди. Кечроқ Термизга қайтиб, барча ўйингоҳлар, кураш манежлари спортчи ёшлар билан гавжумлигини кўрдик. Гўё бу ерда нафақат ғалладан, пахтадан, қурилишдан, энг асосийси, спортдан, курашдан Сурхондарёнинг алпомишлари биринчи бўлисин, деган ақидага амал қилинаётгандай эди.

Тошкентга қайтаётганимизда бирлашма раиси Абдукарим Аҳмедов қўлимизга бир ахборот тутқазди. Унда ёзилишича, кеча Термиз туманидаги «Жануб-Стандарт» фермер ҳўжалиги раҳбари Очил Сувонов Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйига ўз хисобидан BMW энгил автомашинаси ҳада этилди.



Ҳимматингизга балли, фермер бобо!

Меҳнатдан қолса бойлик, турмуш бўлар кийорлик, деб мана шунга айтаётган керак-да.

А. АБДУРАЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Р. ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Комилжоннинг даласи Термиз

«Биз бунёдкор халқмиз» фототанловига



1960 йили Тошкентда туғилган Мирасом Орипов ўттиз йилдан бунён хунармандчиликнинг керамика йўналишида ишлаб келмоқда. Унинг асарлари Сочи, Оренбург, Москва шаҳарларида ҳамда пойтахтимизнинг аэропорт, вокзал, Олий мажлис бинолари ҳовлиси-га қўқ бағишлаб турибди. Юртимиз кундан кун яшнаб, унинг бағри гулхона бўлсин, деб кўпроқ гулдонлар ясайман, — дейди уста. Уста нафақат ўзи, балки бир қанча шогирдлари билан эл хизматиға камарбаста эканлиғидан мамнун ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

Суратда: Уста кулол Мирасом Орипов шогирди Нуриддин Мирсиддиқов билан. Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Музей янгиликлари Муҳаббат маъбудаси

Ўзбекистон Давлат санъат музейи мустақиллик йилларида ўзгача қиёфа касб этди. Маънавият масканида халқимизнинг бебаҳо санъат дурдоналари, маданий мероси асар-авайлаб сақланмоқда. Шу боис бу ердан санъат ва нафосатга қизиққан мухлисларнинг кети узилмайди.

○ Қизиқувчилар сони табиий равишда ортиб бормоқда. ○

Эллик мингдан ортиқ санъат намунасини қамраб олган ушбу музейга таширф бюрган томошабинлар ҳар гал янги санъат дурдоналарини кўриш бахтиға муяссар бўлишади. 1874 йилда италян ҳайкалтароши Т.Солари томонидан яратилган «Паҳлавон» («Атлант») ҳайкали қайта таъмирланиб, музей фойесига қўйилди. Бу ҳайкалда инсондан қучли жонзот йўқ, у ҳар томонлама мукамал яратилган, деган гоё акс этган. Мармар тошдаги оламни қафтида тўтиб турган «Паҳлавон» ҳайкалини музейда кўп йил ишлаган таъмир устаси Владимир Капелкин таъмирлаган.

Музейнинг катта ички майдонида Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири ўрин олгани қувончли воқеа бўлди. Дарвоза қаттиқ дарахтдан қўшта-вақали, ўйма нақшли қилиб ясалган.

Миллий бўлимда ўтовни эслатувчи «Чодир» уй ўрин олган. Бундай чодирлар саркардалар учун жанг майдонлари атрофида барпо этилган.

Ўзбекистон тасвирий санъати бўлимида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг миниатюра услубида акс этирилган «Амир Темур ва Бибиҳонимнинг кексалиги» тасвири ўрин олган. Бу асар биринчи марта намойиш этилаётгани билан аҳамиятлидир. Картинада қиш кунларининг биринчи кунини Амир Темур ва Бибиҳоним манқалга олов ёқиб, исиниб, самимий сўхбатлашган лаҳзалари акс этирилган. Соҳибқирон оппоқ соқолли нуроний қиёфасида бўлса, Бибиҳоним малика кийимида, юзлари сал сўлгин кўринса-да, ҳамон гўзал ва виқорли тарзда тасвирланган.

Санъат музейида томошабинни ҳайратга соладиган бу каби экспонатлар жуда кўп. Дунёни яхшилик, санъат ва муҳаббат қўтқаради, деган ҳикмат беҳиз айтилган. Маълумки, Санъат музейи тарихи Романовлар сулоласига бориб тақалади. Музей княз Николай Константинович Романов ҳаёти, бой коллекцияси билан узвий боғлиқдир. У Тошкентда қирқ йил яшаб, хусусан, кўприк, тегирмон, театр, цирк биноларини қурдирган. Ҳайкаллар, расмлар, амалий санъат

ат намуналари асосида тез-тез бадий кўргазмалар ташкил этган. «Паҳлавон» («Атлант») ҳайкали ҳам унинг коллекциясидан. У сургун бўлмасдан аввал америкалик артист қиз Фанни Лирни севиб қолганди. Уч йил муҳаббат лаззатини тўтган Фанни Лир князга лақиллатиб ўз юртига кетиб қолади. Қизнинг мақсади Романовлар ҳаётини ўрганиб, китоб ёзиш эди. У ҳаётда ҳам актрисалик қилиб ўз мақсадига етишди. Хотиралари асосида яратган асарини саҳнага ҳам қўйдирди. Ана шу қиз деб княз Н.К.Романов 1881 йилда Тошкентга сургун қилинганди. Кейинчалик бошқа қизга уйланиб, беш фарзандли бўлса-да Фанни Лир ишқидан бир умр изтироб чекди. Чет эллик машҳур ҳайкалтарошларга унинг тақдирини, гўзал қиёфасини мармар тошларда яратиш учун буюртмалар берди. Унинг соф ва беғубор муҳаббати рамзи сифатида энг яхши асарлар вужудга келди. Бир тоннага яқин оғирликдаги «Олма ушлаган хоним» ҳайкалида Фанни Лир тасвирланган. Уни италиялик Канова деган машҳур ҳайкалтарош дунёга машҳур «Гўзаллик маъбудаси»га тақдир қилган ҳолатда тасвирлаган. Шу билан бир қаторда Т.Солари деган италиялик ҳайкалтарош ҳам оппоқ мармар тошда княз топшириғига қўра, беозор, ним табассумли гўзал «Фанни Лир» ҳайкал-портретини реал тасвирда, ёқимли кўринишда яратди. Айтишларича, Фанни Лирнинг бу қиёфасини княз ҳеч кимга ишонмай ўз хонасида сақлаган экан.

«Фанни Лир»нинг ҳайкал-портрети шу пайтгача музей фондида сақланганди. Мустақиллигимиз шарофати билан бу гўзал санъат дурдонаси биринчи марта княз Н.К.Романов коллекцияси ҳисобланган мармар тошларда акс этиб турган бадий етук асарлар ёнидан ўрин олди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлари ва театр арбоблари уюшмалари аъзоси, санъатшунос

Корхона тарихидан лавҳалар

Республикаимизнинг энг йирик корхоналаридан бўлмиш — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси ўзининг шонли тарихига эга. Бу ерда не-не инсонлар меҳнат қилишмаган дейсиз. Яқинда корхонанинг тарихий музейи очилди.



Нефт ва газ саноати қурилмалари ва жиҳозларининг кичиратирилган нусхалари, ходимларнинг иш кийимлари касбий тушунчаларини бойи-тибгина қолмай, соҳа машаққатини ифода этади. 1983

йилдан то 2008 йилгача очилган конлар, саналар бурчагида «Муборакнефтгаз»нинг кўп йиллик тарихи акс этирилган. Бундан ташқари, турли йилларда корхонани бошқарган шахслар, тажрибали муҳандислар ва соҳа фидойилари ҳақидаги бурчак ҳам ёш мутахассисларда тарихга ҳурмат, устозлар аъёнларига содиқ бўлиш ҳиссини ўйғотиши табиий. Шунингдек, музейда корхона касабга уюшма қўмитаси фаолиятига бағишланган лавҳаларга кенг ўрин берилган.

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Тарихни билмасдан, ўрганмасдан туриб, келажакни

қуриб бўлмайди». Музейни ташкил этишда катта ижодий гуруҳ иш олиб борди ва изла-нишлар давом этмоқда, — деди биз билан сўхбатда корхона касабга уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов.

Музейнинг тантанали очилиш маросимида «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Шермат Шамсиев, Ёқилғи-энергетика комплекси, қимё саноати ва геология ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши раиси Жумакул Қурбонов ҳамда корхонанинг бир гуруҳ фахрийлари иштирок этишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to humans) featuring a logo and contact information for various services and products.

Беллашув «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, тизимдаги ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган касабга уюшма аъзолари ҳамда фаоллари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши томонидан Аҳмад ал-Фарғоний номи Арсид дам олиш уюшма спартакиада ўтказилди.

ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚА Мусобақада тизимдаги касабга уюшма кенгашлари ва бошланғич ташкилотлардан бир қанча жамоалар иштирок этиб, мини футбол, стол тенниси, шахмат, шашка ҳамда дартс буйича ўзаро беллашдилар. Қизиқарли ва мурасасиз беллашуларга бой бўлган минни футболда 1-ўрин Кува тумани касабга уюшма кенгашига насиб этди. 2-ўринни Риштон тумани касабга уюшма кенгаши, 3-ўринни Марғилон шаҳар касабга уюшма кенгаши жамоалари эгаллади. Стол тенниси буйича эркаклар ўртасида Марғилон шаҳар касабга уюшма кенгаши жамоаси вакили Равшанбек Комиллов голиб деб топилди. Аёллар ўртасида эса Фарғона «Агро-банк» жамоаси вакили Нилуфархон Оминова зафар қўчди. Шахматда Ёзёвон туман кенгаши жамоаси вакили Обиджон Юсупов, шашка буйича Фарғона туман кенгаши жамоаси вакили Ёқубжон Маматов ва ғалаба қозонди. Марғилон шаҳар кенгаши жамоаси вакили Оригон Қаландаров ва Фарғона туман кенгаши жамоаси вакили Шоҳсанам Турсунова дартсда юқори натижаларни қўлга киритди. Голиб ва совриндорлар вилоят кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Қомрон САТТОРОВ, Фарғона вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Эҳтиром Халқимиз азалдан устоз ва мураббийларга алоҳида ҳурматда бўлган. Бу эҳтиром асрлар оша янада сайқаллашиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг таркибий бўлимларида юзага келган «Устоз-шогирд» аъёнлари бунга бир мисол. МАК ўқув-машқ марказида бўлиб ўтган тадбирда ҳам устоз ва мураббийларга нисбатан шогирдлар ҳурмат ва эҳтирми акс этиб турди. Кадрлар маданияти ва маънавиятини юксалтириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гоёга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ фаол ўқитувчиларга марказ маъмурияти ва касабга уюшма қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда МАК Уқувчилар мажмуаси борт кузатувчи қизларининг устозларни маҳд этувчи шөърий чиқишлари ва марказ ёшларининг турли саҳна кўринишлари барнага хуш кайфият улашди. Дилроз АБРАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

21 октябр — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ГЛОБАЛ ЎЗБЕК ТИЛИ Бугун интернет тармоғи ҳақида маълумотга эга бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. Аммо глобал тармоқда ўзбек саҳифаларининг камлиги, борларининг ҳам асосий қисми рус тилида экани бу борада оқсабтанимизни кўрсатади. Балки бу муаммони ҳақида шундай компютер билан боғлиқ ишлатиладиган хорижий истилоҳларга мос сўз ва ибораларни топиб истеъмолчи киритиш қўл келар? Мисол учун, машҳур «@» белгисини қандай аташимиз лозим? «Кучуқча» сўзини қаердан олдиқ? «Собачка» атамасининг келиб чиқишини русларнинг ўзи ҳам айта олмайди. Менимча, бу белги учун ўзбек тилида «манзил белгиси» номи ўзгари қелади. Тасаввур қилинг, радиодаги бошловчи ҳар сафар фикр ва мулоҳазалар юбориш учун манзилни: «Одилбек кучуқча майл нуқта ру» дея эълон қилади. Қулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан. Шу ўринда ушбу белгининг бошқа тилларда номланишини келтирамиз. Масалан, «@» ўз «она тили» бўлиши инглизчада «ат» (-га тегишли, -ники) деб аталади, аслида интернет оламига расмий идоравий ёзишмалар орқали кириб келган. У қозоқлар «ойкулук», японлар «удзумачи» (гирдоб, водоворот), хитойлар «кичик сичқонча», поляклар «малпа» (маймунча), португал ва испанлар «ароба», италянлар «chiocciola» — «улитка» кўринишида қўлайди. Яқинда Францияда атамалар буйича қўмита француз интернет саҳифаларида фақат шу тилнинг қўлланилиш устунилигини таъминлайдиган қонун қабул қилишга эришди. Энди «@» белгисини инглизча «ат» эмас, испан ва португал тилларида ўлчов бирлиги маъносини билдирадиган «арабасе» деган ном билан аталадиган бўлди. Қадимда ҳарфининг шу тарихи ўралаб ёзилиши айнан «ароба» деб аталган экан. Энг қизиғи, бу сўзнинг илдизи араб тилига бориб тақалиб, «ар-руб» - «чорак» деган маънони англатади. Бир қанча сўзларнинг таржимаси эса мантиққа тўғри келмайди. Масалан, «маълумотлар омбори» (database) «Ахборот-коммуникация технологиялари» изоҳли лугатида русча эквиваленти «база даний»нинг тўғридан-тўғри таржимаси сифатида берилган. Эътибор билан қаралса, бу ердаги «base-база» сўзига «омбор»дан қўра, «тўплам», «жами», «мажмуи», «йиғиндиси» кабилар муқобилроқ. «WEB»ни нима деб таржима қилса бўлади? Еки модем, шриффт, конференция, чат, модератор, топикстартер (маълум мавзулар буйича мулоқотни бошлаб, уни бошқариб турувчилар), монитор. Бу сўзларни ҳар биримиз кундалик ҳаётда кўп қўлаймиш, аммо унинг асл маъноси, муқобил таржимаси билан камдан-кам қизиқамиз. Қизиқ маълумот. Россиянинг «Жигули»

Инсон азиз Марғилон шаҳридаги «Ёвқочар» маҳалла аҳли Марифжон ақанинг исмига «Ҳайдовчи» сўзини қўшиб айтишга одатланишган. У 1998 йилдан бери «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали Марғилон почта алоқаси тармоғида ишлаб келмоқда. Ҳайдовчи Марифжон — Алоқа хизмати қундан-қунга такомиллашиб, мижозларга кўрсатилётган почта хизмати турлари кўпайиб бормоқда. Бу янада масъулият билан меҳнат қилишимизни тақозо этади, — дейди Марифжон Мадмаров. Марифжон ака ширинсуханлиги, топшириқларини вақтида бажариши билан ходимлар орасида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам жамоа орасида эътиборга эга. У шу кунларда олтиш ёшга қарши олди. Шу муносабат билан маъмурият ва касабга уюшма қўмитаси М.Мадмаровни самимий қўтлади. Мухаммадҷон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

рўсумли автомашинасини Швецияга экспорт қилишда бир «арзиманган» ишқал тўққунлик қилади. Қизғини, бу машинанинг техник ҳолати эмас, унинг номи билан боғлиқ бўлиб, ушбу мамлакат тилида «Жигули» салбий маънода қўлланилувчи, ҳақоратомуз сўз экан. Охир-оқибат, машинанинг такомиллаштирилган русуми чиқарилиб, «Лада» деб ном қўйилади. Бир вақтлар «UzDunRobita» компаниясига мос ном топилганди. Унда ишлатилган «робита» сўзи арабча бўлиб, алоқа, бошланиш, тартиб, қонда, занжир каби маъноларни англатади. Яъни «Ўзбекистон дунё билан алоқда» дея шарҳлаш мумкин. Бевосита интернет олами билан боғлиқ «форум» деган атама бор. Аслида у қадимги Римда халқ йиғилишлари ва суд уюштирилаётган майдон номи бўлган. Ҳозирда бу тушунча маълум бир интернетдан фойдаланувчилар гуруҳи томонидан аниқ бир масалани муҳокама қилиш жойини билдиради. У инглиз тилидан кириб келган бўлиб, асл ўзбек сўзидек бўлиб қолган. Бу «калка» таржима бўлиб, чет тилидаги сўзнинг она тилида морфемик мосланиши, яъни шакл ва талаффузи маҳаллийлаштириш ҳисобланади. Кўриниб турибдики, она тилимиз воқолатида маънавий савиямизни ўстиришга ҳар биримиз масъулмиз. Айниқса, бугунги кун таржимаси ва таржимонларига жиддий талаб қўйилади. А. БУМАТОВА, СамДҶТИ талабаси